



Uzacryl M20 – акрил кислотаси ва стирол сополимерининг ўрта анионик куюк дисперсия

КўЛЛАНИЛИШИ

Uzacryl M20 - куйидаги махсулотларни тайёрлаш учун универсал боғловчи ҳисобланади:

- Фасад ва интерьер бўёқлари
- Текстурали копламалар
- Минерал асосидаги грунтовкалар
- Шпатлёвкалар

□ Модификациялашган силикат бўёклари

□ Бетонни химояловчи воситалар

ХУСУСИЯТЛАРИ

□ Юкори даражада пилонлар билан

□ Бошка боғловчилар (битанга осқетилиш) ва х.к.)

□ Говакли асосларга яхши сингиши

□ Механик кориштиришларга баркарорлиги

□ Сув ва ишкорга яхши чидамлилиги

□ Сувга нисбатан оз сингдирувчанлиги

□ Катламнинг шаффофлиги ва юкори эгилувчанлиг

МАХСУЛОТ ТАРКИБИ

TSh 64-15329272 - 04: 2007 бўйича асосий техник маълумотлар

Каттик модда таркиби	50 ± 1,	%	
25 °C даги куюклиги,		(Брукфильд DV-II+ Pro, шпинд	7.0063,1000
рН кўрсаткичи	7-9,	г/см	3
Зичлик, 20 °C	тахминан	1.02 - 1.07	
Заррачаларнинг ўрта ўлчами	тахминан	0.1, μm	
Катлам	хосил бўлишнинг минимал	температураси	+ 13, °C
Дисперсия тури	Анионли		
Пластификатор	Ёк		
Сув билан коришиши	Яхши		
Пигмент билан богланиши	Юкори		
Совукка чидамлилиги	Совукка чидамли эмас		

КАТЛАМ ТАРКИБИ

Катлам	нинг ташк	и кўриниши	Шаффор
Эгилувчанлик	Яхши		
Ишкालанишга каршилиқ	Юкори		
Ёругликка чидамлилиқ	Мустахкам		

КАЙТА ИШЛАШ

Кенг қўлланиладиган қурилиш бўёқлари, елимли материаллар, турли бўёқлар, куюк ва юкори таркибли каттик моддаларни талаб килувчи синтетик мойли сувок

махсулотлари ҳамда шпатлёвклар ишлаб чиқариш жараёнида қориштириш юқори тезликда ҳаракатланувчи мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Бунда дисперсия ва кўшимча моддалар тўлдирувчи ва пигментларни ўзаро боғлаш учун қўлланилади. Қорилиш бўёқларини ишлаб чиқариш жараёни одатда юқори тезликдаги қориштиргичларда, масалан, диссольтверларда амалга оширилиб, бунда тўлдирувчи пигмент қоришмалари аввал кўшимча моддалар билан бирга аралаштирилган бўлиши, дисперсия эса сўнгида қўшилиши керак бўлади.

Uzacryl M20 дисперсияси шу даражада барқарорки, у юқори тезликдаги диспергатор, бисер тегирмонларидаги юқори босимларга ҳам бардош бера олади. Шу хусусияти туфайли Uzacryl M20, бошқа стирол акрил асосидаги кўплаб дисперсиялардан фарқли равишда, ўз таркибида тўлдирувчилар ва пигментлар миқдори жуда юқори бўлган шпатлёвклар ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Бундай сифат кўрсаткичи, ўз навбатида, турли тайёр махсулотларнинг тан нархини пасайтиришга олиб келмоқда. Uzacryl M20, бошқа дисперсиялар каби, кўпиришга мойил. Шу сабабли у кўпикни камайтирадиган кўшимчалар ишлатилишини талаб қилади. Уларнинг миқдори ва самарадорлиги тажриба йўли билан аниқланиши лозим. Бизнинг дисперсиямиз турли хил микроорганизмлар таъсиридан химояланган. Унинг асосида тайёрланган бошқа махсулотларни сақлаш вақтида уларнинг барқарорлигини таъминлаш учун керакли консервантларни қўшиш мақсадга мувофиқдир. Қўлланилаётган консервантларнинг уйғунлиги ва самарадорлигини ҳам тажрибали йўл билан аниқлаш мумкин. Қуюкликни назорат қилиш ва махсулотнинг истеъмолчилик хусусиятларини ошириш учун одатда қуюклаштиргичлар қўшиш керак бўлади. Кенг қўлланиладиган қуюклаштиргичлар бўлиб, целлюлоза эфирлари, полиакрилат ёки диуретан ҳисобланади. Уларни танлаш қандай тайёр махсулот тайёрланишига (тиксотроп ёки унча қуюк бўлмаган) боғлиқ.

Uzacryl M20 13°C дан юқори температураларда жуда яхши катлам ҳосил қилади. Бунда минимал температурада катлам ҳосил бўлишига эришиш учун коалисцентлардан (умумий рецептдан 1-1.5% миқдорида) фойдаланиш мумкин. Хидли боғловчилар, бутил(ди)гликол, бутил(ди)гликолацетат, тексанол ва бошқалардан ҳам шу мақсадда фойдаланса бўлади. Кичик молекулярли спиртлар ва гликоллар тайёр махсулотни совуққа чидамлилиқ хусусиятини яхшилайдди, аммо катлам ҳосил бўлиш температурасини пасайтирмайди. Катлам алоҳида эгилувчанлик бериш мақсадида пластификаторлар ҳам қўшиш мумкин. Uzacryl M20 асосида янги махсулотларни тайёрлаш жараёнида турли тажрибалар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Кўплаб омилларнинг, жумладан, кўшимчаларнинг ўзаро муносиблиги, мослиги, қориштириш жараёнининг ўтиши, моддалар адгезияси ва хоказоларни факат ишлаб чиқариш давомидагина аниқлаш мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилувчи барча омилларни камраб ололмаслиги туфайли, ишлаб чиқарувчилар Uzacryl M20дан фойдаланган ҳолда янги махсулот чиқариш устида ўзларининг шахсий тажрибаларини ўтказишлари тавсия этилади.

ХАВФСИЗЛИК

Умумий талаблар

Бизнинг кўп йиллик тажрибамиз ва бошқа умумий маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Uzacryl M20ни тўғри қўллаш оддий ишлаб чиқариш гигиенаси талабларига амал қилинган ҳолда соғлиққа салбий таъсир кўрсатмайди. Химикатлар билан ишлаш вақтида стандарт талабларга ва гигиена қоидаларига амал қилиш талаб этилади. Қайта ишлаш жараёнида самарали ҳаво алмашинуви ҳамда терини химояловчи воситалар, химоя кўзойнаги билан таъминланган бўлиши зарур. Маҳсулот терига/кўзга теккан ҳолларда, терини/кўзни зудлик билан тоза сув билан яхшилаб ювиб ташлаш лозим. Маҳсулотни давомли қўллаш тери ва шиллик копламларда гаш келиш ҳолатини юзага келтириши мумкин.

Саклаш

Uzacryl M20 саклаш ва қайта ишлаш вақтида занглашга мойил металллар ёки химоя катламига эга бўлмаган қуйилмалар билан алоқада бўлиши ман этилади. Маҳсулот солинган идишлар зич ёпилган ҳолда очик ҳаво бўшлиги ва керакли намликка эга, қуёш нурлари тўғридан-тўғри тушмайдиган хонада сакланиши лозим. Микроорганизмларнинг таъсиридан қочиш учун, маҳсулот сакланаётган идишлар гигиенасига амал қилиш даркор. Маҳсулотни кучли кизиши ва музлашига йўл қўймаслик зарур. Бочкаларни ёнма-ён қўйилган ҳолда саклаш тавсия этилади. Ушбу шартларга амал қилинган ҳолда ва +5°/ +35°С температура оралигида сакланганда, маҳсулот ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 12 ой давомида ўз таркибини ўзгартирмайди.

Uzacryl M20, бошқа дисперсиялар каби, темир, мис, цинк, алюминий каби металлларга нисбатан сезувчанدير. Шу сабабли, ушбу металллар ва уларнинг қуйилмаларидан эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Ушбу шартлар нафакат саклаш захиралари, балки ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган утгазгичлар, қувурлар,

кориштиргичлар ва идишларга хам тааллуқлидир.